

Бойликларини маккаликларга ташлаб келган Суҳайб



19:30 / 24.05.2021 2761

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

هُبِّحْنَ اصْصَق نَّم مُنَمَف ةِيَلَعَلَل اودءاع ام اوقدص لاجر نينمؤملا نّم
أل يدبب اولدب امو رطت ني نّم مُنم و

«Мўминлар ичида Аллоҳга берган аҳдларига содиқ қолган эранлар бор. Бас, уларнинг аҳдига вафо қилганлари ҳам, мунтазир бўлиб турганлари ҳам бор. Улар асло алмаштирмадилар» (Аҳзоб сураси, 23-оят).

Содиқ саҳобаи киромлар уруш пайтларида орқага чекинмасликка, майдондан қочиб кетмасликка, балки ўз жойида, душман қаршисида собит туришга ваъда берган эдилар. Улар ана шу ваъдаларига содиқ қолдилар. Шунингдек, улардан кейин келган тобеъинлар, табаъа тобеъинлар, солиҳ мўминлар Ислом учун жонларини бериш, бу йўлда молу жонларини фидо қилиш борасидаги аҳдларига содиқ қолиб, ўша аҳдларига вафо қилдилар.

Аҳдига содиқ қолган инсонлардан бири Суҳайб Румий розияллоҳу анҳудир.

Саид ибн Мусаййиб раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади: «Суҳайб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига ҳижрат қилиб бормоқчи бўлганларида, Қурайш қабиласидан бир гуруҳ кишилар у кишининг йўлини тўсиб, Мадинага ҳижрат қилишга қўймадилар. Шунда Суҳайб розияллоҳу анҳу уловларидан тушиб, ўқдонларидаги ўқни олиб, «Эй қурайш жамоаси, орангизда энг моҳир мерганлардан бири эканимни биласизлар-а?! Аллоҳга қасамки, ўқдонимдаги барча ўқларни отиб бўлмагунимча бирортангиз менга яқинлаша олмайсизлар. Кейин қиличим билан, қўлимда қанчаси қолса, шунчаси билан чопаман. Сўнгра нимани истасангиз, қилаверасиз. Молим ва либосим Макканинг қаерида турганини айтсам, кетишимга тўсқинлик қилмайсизларми?» дедилар. Улар «Ҳа» дейишди. Кейин Суҳайб розияллоҳу анҳу Мадинага, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганларида, у зот алайҳиссалом у кишига «Савдо фойда келтирди, эй Абу Яҳё! Савдо фойда келтирди, эй Абу Яҳё!» дедилар. Бироздан сўнг Аллоҳ таоло: **«Ва одамлардан Аллоҳнинг розилигини тилаб жонини сотадиганлари бор»** оятини нозил қилди.

Бошқа ривоятда «Савдо фойда келтирди, эй Суҳайб! Савдо фойда келтирди, эй Суҳайб!» деганлар.

Суҳайб розияллоҳу анҳу Маккада қилич ясар, бу касб орқали анчагина молу давлат тўплагандилар. Мадинага ҳижрат қилиб кетаётганларида ана шу касбларини ҳам, ундан топган барча бойликларини ҳам маккаликларга ташлаб кетган эдилар.

Аллоҳ ва Расулининг розилиги, муҳаббатини деб, молу давлатдан воз кечганлари оятда мақталиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан «Савдо фойда келтирди» дея эътироф этилмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Суҳайб розияллоҳу анҳунинг қилган ишлари у киши Мадинага етиб бормасларидан олдин Жаброил алайҳиссалом орқали етказилган эди.

Аллоҳ таоло барча саҳобалардан, шу жумладан, Сухайб Румийдан рози бўлсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади